



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИБ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Otabek Alimardonov “MIGRATION AS A TOOL OF PUBLIC DIPLOMACY IN CENTRAL ASIA: CHALLENGES, STRATEGIES, AND PROSPECTS”.....	5
2. Nilufar Djurayeva SOVET DAVRIDA XOTIN-QIZLAR TASHKILOTLARI: MAQSAD VA VAZIFALAR, NATIJA VA MUAMMOLAR.....	14
3. Нодира Джанибекова ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ОЛИЙ МАЖЛИСА ВТОРОГО СОЗЫВА.....	25
4. Боходир Эшов, Нурали Ҳазратов, Шавкат Каромов УСТРУШОНАДАГИ ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАСИ ТАРИХИНИНГ ТАХЛИЛЛАРИ.....	30
5. Бехзод Исабеков ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИНИНГ КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИ: ОҲАНГАРОН, КАНДИРСОЙ МИСОЛИДА.....	38
6. Ibragim Ibragimov QUYI AMUDARYO HUDUDIDA HUNARMANDCHILIK TARIXI XUSUSIDA BA’ZI MULOHAZALAR.....	44
7. Shuhrat Norov ZARAFSHON VOHASI VILOYATLARIDA YOSHLAR TASHKILOTLARINING IJTIMOIIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDAGI ROLI.....	48
8. Muxlisa Ro‘ziyeva O‘ZBEKISTONDA 1991–2025- YILLARDA BOLALAR SPORT SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI.....	53
9. Xo‘sinboy Sapayev KO‘CHMANCHI SAK QABILALARINING DINIY E‘TIQODLARI, URF-ODAT VA AN‘ANALARI.....	58
10. Mansur Fayzullayev XX ASRNING 60-80-YILLARIDA O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGINING IXTISOSLASHTIRILISHI (SURXONDARYO, QASHQADARYO VILOYATLARI MISOLIDA).....	63
11. Турғунжон Ярмагов ЭТНОГРАФИК ЖИХАТДАН ФОЛЬКЛОП МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.....	68
12. Gulom Djumamuratov O‘ZBEK ULUSIDAGI OROL O‘ZBEKLARI ETNIK TARKIBIGA DOIR MANBALAR TAHLILI.....	73



Тургунжон Жойловович Ярмагов,
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тадқиқотчиси

ЭТНОГРАФИК ЖИХАТДАН ФОЛЬКЛОР МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

For citation: Turgunjon J.Yarmatov. RESEARCH METHODS OF STUDYING FOLKLORE SOURCES FROM THE ETHNOGRAPHIC POINT OF VIEW. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 9.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17548814>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада этнология ва фольклор фанларига оид маълумотларни ўрганишнинг тадқиқот методлари илмий жиҳатдан таҳлилга тортилган. Шунингдек, этнографик ва фольклоршуносликка оид материалларни ёзиб олиш, тўплаш ёки муайян этнофольклорий ходисани ўрганиш учун алоҳида дастур, қўлланма, сўровнома ва анкета-саволномаларини тузиш, тадқиқот олиб борилиши назарда тутилган географик минтақа ёки бир неча этнофольклоршунослик муҳитларида тузилган дастур асосида фактик материалларни тўплаш, йиғилган этнофольклористик материалларни ўрганиш усуллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: этнология, этнография, фольклор, этнофольклор, дoston, мактаб, анъана, Алпомиш, Гўрўғли, қиёсий-этнографик, тарихий-қиёсий, картографик, қиёсий-типологик, этак йиртиш, бешиккерт,

Тургунжон Ярмагов,
Научный сотрудник Термезского университета
экономики и сервиса

МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ФОЛЬКЛОРНЫХ ИСТОЧНИКОВ С ЭТНОГРАФИЧЕСКОЙ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье дается научный анализ исследовательских методов изучения этнологии и фольклора. А также освещено необходимо записывать, собирать или обобщать этнографические и фольклорные материалы или составлять отдельные программы, учебные пособия, анкеты и анкеты для изучения конкретного этно-фольклорного явления, методы сбора фактического материала на основе программы, разработанной в географическом районе или нескольких этно-фольклорных средах, в которых будут проводиться исследования, и изучение собранных этно-фольклорных материалов.

Ключевые слова: этнология, этнография, фольклор, этно-фольклор, эпос, школа, традиция, Альпомиш, Гороглы, сравнительно-этнографический, историко-сравнительный, картографический, сравнительно-типологический, разрыв юбки, бешиккерт,

Turgunjon J. Yarmatov,
Researcher of Termiz University of
Economics and Service

RESEARCH METHODS OF STUDYING FOLKLORE SOURCES FROM THE ETHNOGRAPHIC POINT OF VIEW

ABSTRACT

The article provides a scientific analysis of research methods for studying ethnology and folklore. And also it is necessary to record, collect or summarize ethnographic and folklore materials or draw up separate programs, study guides, questionnaires and questionnaires for studying a specific ethno-folklore phenomenon, methods of collecting factual material based on a program developed in a geographic area or several ethno-folklore environments, in which research will be carried out, and the study of the collected ethno-folklore materials.

Index Terms: ethnology, ethnography, folklore, ethno-folklore, epos, school, tradition, Alpomish, Gorogly, comparative-ethnographic, historical-comparative, cartographic, comparative-typological, skirt break, beshikkerti,

1. Долзарблиги:

Этнология фанининг мазмун-моҳиятини ақс этирувчи тадқиқот доирасидан ташқари, мазкур фанга бевосита алоқадор ва туташ йўналишлар ҳам борки, бу эса фаннинг тадқиқот методлари (дала тадқиқотлари, кузатиш, сўровнома, маълумот берувчилар материалларини йиғиш, интервью, фокус-гурӯҳи ва онлайн тадқиқот) кўламини кенгайтириш имконини беради[1].

Этнологияда тадқиқот жараёнини ташкил этишнинг иккита энг асосий, яъни “воситачилик” ва “тўғридан-тўғри” турлари мавжуд. Биринчиси мавжуд маълумотлардан фойдаланиш усули бўлса, иккинчи кўриниши эса ўрганилаётган объект ёки жойга экспедиция уюштириб маълумотлар йиғиш, ўрганиш ва унга кетма-кетликда ишлов бериш, таҳлил қилиш ва шарҳлашдан иборатдир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотнинг асосий мезони метод ҳисобланиб, у мақсадга эришишнинг муҳим қуролидир. Француз олими Р. Декарт ўзининг 1637 йил ёзган «Метод тўғрисида мулоҳазалар» номли асарида, илмий билимларнинг 4 та қоида асосида илмий тадқиқотнинг методологиясини изоҳлаб беради[2]. Бунинг натижасида метод ва методология тушунчалари илмий билимларни тадқиқ этишнинг энг муҳим структурасига айланди. Метод – белгиланган аниқ назарий билимларни ўрганиш усулидир. Методология эса, метод ва методларнинг тадқиқот мақсади, вазифаларини аниқ белгилаш ва амалга ошириш жараёнида тўғри қўллаш механизмидир. Умумий ҳолатда мазкур тушунчалар илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади.

Этнология фанида фольклорнинг этнографик характерини ўрганишда қиёсий-этнографик, тарихий-қиёсий, картографик ва қиёсий-типологик методлардан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Биз тадқиқот жараёнида этнология ва фольклор фанлари ўртасидаги боғлиқлик масалаларини “қиёсий-этнографик” метод асосида қуйидагича таҳлил қилдик. Масалан, ...«этнофольклористика» тушунчаси «этнос» ва «фольклор» атамаларини бирикиши натижасида юзага келганлиги маълум. Биз «этнос» ва «фольклор» атамаларига тўхталмоқчи эмасмиз. Тарихий-этнологик асарларда мазкур масалаларга оид маълумотлар тадқиқ этилган[3]. Этнофольклористика этнология, филология, тарих, социология ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган. Ишда унинг энг қадимги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги ривоятлар, табу ва меҳнат кўшиқлари, мавсум ва маросим кўшиқлари[4] ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналарида талкин этилган ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йўқлов, бадик, ё рамазон, суст хотин каби этнографик характердаги маросимлар, урф-одат, ирим-сиримлар билан бевосита алоқадорлиги “қиёсий-этнографик”

йўсинда ўрганилди. Чунки ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одати, оилавий-маиший маросимлар каби ижтимоий муносабатлари этнология фанини фольклористика билан қиёсий боғлиқлик даражасини белгилайди... Шунингдек, «Алпомиш» ва «Тўрўғли» дostonларининг вариантларини қиёсий-этнографик жиҳатдан тадқиқ этиш ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи, уруғ-қавмий муносабатлари, матриархат ва патриархат, илк никоҳ шакллари, халқлар дўстлиги ва ижтимоий муаммоларни, хўжалик, иқтисодий, маданий ва маънавий турмуш анъаналарини ўрганишда ниҳоятда ноёб ва қимматли этнографик манбадир...

Француз Арнольд Ван-Геннеп этнография ва фольклоршуносликдаги тарихий ва қиёсий методларни бир-биридан фарқланувчи усуллар сифатида баҳолаган[5]. Тарихийлик услуби ҳодисаларни муайян хронологик тартиб асосида баҳолайди ҳамда ёзма ва иконографик материаллардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлиликка таянади; қиёсий метод эса замоний ва маконий жиҳатдан абстракт ҳолатда иш кўради ҳамда оғзаки манбаларни ҳам жалб қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тадқиқот предмети ўзгармаслиги бу методлар муваффақиятли кўлланилиши мумкинлигини кўрсатади. «Қиёслаш» деганда муайян этнофольклор жанри, эпик сюжет, мотив ёки образни бошқа халқлар оғзаки бадиий ижоди материаллари билан солиштириб, таққослаб ўрганиш асосида ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларни аниқлаш назарда тутилади[6].

В.М.Жирмунскийнинг фикрича, «қиёслаш»нинг ўзи фольклоршунослик методи бўла олмайди. Чунки метод – илмий тадқиқот ишининг ўзига хос назарий мезони бўлиб, у ёки бу илмий мактабнинг қарашларини ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам «қиёслаш» нафақат фольклористик, балки тарихий йўналишдаги тадқиқотлар учун зарур бўлган усул саналади. Олим ўзаро қиёсланаётган тарихий ҳодисаларнинг моҳияти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда тарихий-қиёсий тадқиқотнинг қуйидаги аспектиларини ажратиб кўрсатади:

- этнофольклор материалларни оддий солиштириш, таққослаб ўрганиш тарихий-қиёсий йўналишдаги ҳар қандай илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Масалан, халқ дostonларида акс этган урф-одат ва маросимларни эртақ ва афсоналарда акс этиш жараёнини таҳлил қилиш ўз-ўзидан қиёсий тадқиқот олиб боришни тақазо этади;

- тарихий-типологик йўналишдаги қиёслаш ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичларидаги ўхшаш шарт-шароитлар ва тафаккур тарзидаги ўхшашлик туфайли юзага келган, яъни генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган муштаракликларни тадқиқ этади;

- тарихий-генетик йўналишдаги қиёсий тадқиқот натижасида генетик келиб чиқишида умумийлик бўлиб, кейинчалик айри-айри ҳолда тараққий этиб келган ҳодисаларни ўрганилади;

- дунё халқларининг ўзаро этномаданий алоқалари, бир-бирига таъсири ва этнофольклорий натижасида юзага келган муштаракликларни аниқлашга қаратилган қиёсий тадқиқот бу типдаги ўхшашликларнинг генетик илдизлари ҳамда бу ҳодисаларнинг шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий тараққиёт қонуниятларини ўрганади[7].

3.Тадқиқот натижалари: Мақолада «тарихий-қиёсий метод» элементларига таянган ҳолда қуйидаги жиҳатлар илмий таҳлилга тортилган. Жумладан, ...XVI-XVIII асрларда чорвадор қавмларнинг ўтроқ туркийзабон аҳоли билан яқинлашиб бориши ўлкамизда кечган этник жараённинг муҳим йўналишилари билан бири ҳисобланади. Ўтроқ аҳоли билан аралашиб қолган ўзга субэтник гуруҳга мансуб бахшилар, узоқ вақтларгача, уларнинг таркибида ўзларининг ижро услубини сақлаб қолсалар-да, турғун аҳолига мансуб бахшилар билан ўзаро ижодий муносабатлари ва эпик анъаналарнинг аралашуви натижасида ўзига хос дostonчилик анъаналари вужудга келган. Жумладан, Қашқадарёлик Умир шоир Сафаров ўз оиласи билан XIX асрнинг охирида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманига қарашли Ғамбир қишлоғига келиб жойлашади. Акасининг ўғлидаги иқтидорни сезган Бойназар бахши уни Шеробод дostonчилик мактаби вакили Шерна бахшига шогирдликка беради[8]. Маълумки, Бухоро амири Музаффар (1860-1885)нинг ўғли Катта тўранинг зулми туфайли Қашқадарё воҳасидаги чорвадор кўнғирот уруғининг маълум бир қисми Сурхондарё воҳасига кўчиб ўтган. Бунинг оқибатида ўша ҳудудда яшаган халқ бахшилари ҳам бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлишган[9]... Демак, тарихий-этносиёсий жараёнлар ҳам турли

достончилик мактаблари вакилларининг бошқа субэтносларга мансуб бахшилар билан ижодий муносабатига киришлари ва бунинг натижасида янги эпик анъаналар шаклланишига сабаб бўлганлиги ёритиб беради.

Муайян нарса-ҳодисаларнинг маълум бир маконий қамров доирасида тарқалиши, ўзаро алоқалари, локал хусусиятлари, ўзига хос ва умумий қонуниятларини картографик метод асосида таҳлил қилиш география, этнография, археология, тилшунослик (диалектология) фанларида кенг кўламда қўлланиладиган усуллардан бири. Бу метод халқнинг этник табиатини белгиловчи анъанавий моддий маданияти, урф-одат ва анъаналари, турли-туман шева хусусиятларини ақс эттирувчи катта қамровдаги фактик материални тўплаб, системалаштириш ҳамда этнолингвистик жараёнлар билан боғлиқ ўзига хос қонуниятларини ҳодисаларнинг кўпқирралилиги ва ранг-баранглиги орқали очиб бериш мақсадида қўлланилади. Картографик метод ёрдамида ҳозирга қадар кўпгина географик, этнографик ва диалектологик атласлар тузилган. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ўрганишга картографик методни тадқиқ этиш анъанаси ҳам этнологик ва диалектологик тадқиқотлар орқали урф бўлган.

Европа этнофольклоршунослиги тарихи бўйича италян олими Жузеппе Коккьяра фин фольклоршунослиги асосида яратилган “тарихий-географик” методни “географик-картографик усул” деб аташни таклиф қилган эди. картографик метод даставвал фольклоршуносликда эмас, балки этнографик тадқиқотлар амалиётида қўлланилган. Масалан, этнографик тадқиқотлар олиб боришда ўрганилаётган мавзулар бўйича тайёрланган сўровномалар, анкеталар, саволномалардан фойдаланиш ҳамда муайян этнофольклорий ҳодисанинг тарқалиш доираси ва қайд қилиниш даражасини картография усулида аниқлаш тажрибаси илк маротаба Фридрих Ратцель томонидан қўлланилган.

Этнография фанида “географик-картографик метод” ёки “картографик метод”нинг юзага келишига француз олими Арнольд Ван Геннепнинг тадқиқотлари асос бўлган. У Франциянинг Бургундия, Оверия, Фландрия, Савойи каби провинцияларида француз халқи урф-одатлари, маросимлари, удумлари, анъаналарини ва халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш билан шуғулланган. Арнольд Ван-Геннеп 1909 йил материал тўплашда ўзи тузган “Сўровнома”лардан самарали фойдаланган. Унинг “Сўровнома”лари олим иш олиб борган ҳудудларда тарихий-фольклорий жараённинг ҳолати, ҳар бир провинция этнографиясининг ўзига хос хусусиятлари, халқ оғзаки ижодиётининг тарқалиш доирасини аниқлаш имконини берган. Олим ана шу “Сўровнома”лар воситасида тўпланган материалларни таҳлил қилиб у ёки бу фольклор манбаларда ақс этган урф-одат, анъаналарнинг ҳудудлар кесимида тарқалиш реликти бўйича аниқ хулосалар чиқарган.

Тадқиқот жараёнида картографик методнинг муҳим афзаллик жиҳати шундаки, иш натижаларининг аниқлиги ва далилларнинг ишонарлигидадир. Картографик метод этнограф ва фольклоршунос олимлар томонидан ўрганилаётган сюжет, мотив, удум ва эътиқодий қарашларнинг барча элементлари: ижро ҳолати, тарқалиш доираси, ҳудудий ўзига хослиги ва локал фарқларини кўрсатишга хизмат қилади.

“Картографик метод” нинг асосий мақсади маънавий маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланган этнофольклор асарларини ёки муайян этнография ва фольклорнинг маълум бир соҳаларини таҳлил қилишдан иборат. Бу усул асосига қурилган илмий тадқиқот муайян изчилликда амалга оширилади ва асосан тўрт босқични ўз ичига олади:

- этнографик ва фольклоршуносликка оид материалларни ёзиб олиш, тўплаш ёки муайян этнофольклорий ҳодисани ўрганиш учун алоҳида дастур, қўлланма, сўровнома ва анкета-саволномаларини тузиш;

- тадқиқот олиб борилиши назарда тутилган географик минтақа ёки бир неча этнофольклоршунослик муҳитларида тузилган дастур асосида фактик материалларни тўплаш;

- йиғилган этнофольклористик материалларни картографиялаштириш;

- ўрганилаётган минтақа этнофольклорининг картографик хусусиятини илмий тадқиқ қилиш.

Демак, картографик метод тарихий-фольклорий жараён билан боғлиқ муайян ходисанинг маълум бир жўғрофий ҳудуд доирасидаги тарқалиш ҳолати, айниқса, қадимий инончларга алоқадор мифологик этикод ва образларнинг халқ тасаввурида сақланиб қолиш даражаси, халқ лирикасининг ижрочилик анъаналари, маросим фольклори ва эпик сюжетлар тизимининг вариантларини аниқлаб, комплекс тадқиқ этишга асос беради.

4. Хулосалар:

Ҳар бир фаннинг методологияси уни тадқиқ этишнинг услубий асоси ҳисобланиб, ўзига хос йўналишда янги билимларни олишда муҳим ўрин тутди. У ўз формасида аниқ мақсад ва мантиқни акс эттирган жараённи намоён қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Титова Т.А., Козлов В.Е., Фролова Е.В., Мухаметзарипов И.А. Этнология (под ред. Т.А. Титовой. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2017. – 404 с.). – С. 26-63.
2. Декарт Р. Рассуждение о методе. – М., «Наука», 1953. – 656 с.
3. Токарев С.А. Проблемы типов этнических общностей // Вопросы философии. 1964. № 11; Козлов В.И. О понятии этнической общности // СЭ. 1967. № 2. – С. 100-110; Ўзбек совет фольклори масалалари. – Т.: «Фан», 1970. – Б. 219; Проблемы этнического самосознания и ее место в теории этноса // СЭ. 1974. № 2. – С. 79-92; Чистов К. В. Этническая общность, этническое сознание и некоторые проблемы духовной культуры // СЭ. 1976. № 3. – С. 73-85; Бромлей Ю.В. Этнос и этнология. - М., 1973; Очерки теории этноса. М., 1983; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: «Ўқитувчи», 1990. – Б. 4.
4. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: «Фан», 1981. – Б. 7.
5. Геннеп А. Ван. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. М: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1999. - 198 с.
6. Жирмунский В.М. Народный героический эпос. – М. – Л., 1962. – С. 5-74; Его же. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л., 1979.
7. Жирмунский В.М. Эпические творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса. – М.: Наука, 1958. – С.6-7.
8. Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома». т. I, - Т.: «Меҳнат», 1999. - Б. 150.
9. Кармышева, Б.Х., Васильев Г.П. Этнографические очерки узбекского сельского населения. - М.: «Наука», 1969. – С. 221.



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000